

Ёлғон ва ҳақиқат



09:00 / 04.08.2021 4618

Ҳикоя қишиларича, ёлғон ва ҳақиқат бир куни учрашиб қолишибди. Ёлғон ҳақиқатга дебди:

-Бугунги кун жуда ҳам гўзал!

Ҳақиқат атрофга гумон билан қараб кўзини осмонга тикди. Ҳақиқатдан ҳам гўзал эди. Ҳаво ҳам ажойиб эди. Бугунни ёлғон билан ўтказишга қарор қилди.

Сўнгра ёлғон яна ҳақиқатга деди:

-Қудуқдаги сув ҳам жуда гўзал. Кел сувнинг ичига тушамиз.

Ҳақиқат ёлғонга иккинчи марта гумон билан боқди ва сувни ушлаб кўрди. Сув жуда ҳам гўзал эди. Улар кийимларини ечиб сувга тушишди.

Шунда ёлғон тўсатдан сувдан ирғиб чиқиб ҳақиқатнинг кийимларини кийди ва қочиб кетди. Ҳақиқат ҳам сувдан чиқиб ғазабланган ҳолда унинг ортидан югурди. Унга етиб олмоқчи бўлди. Аммо ета олмади. Ҳақиқатни яланғоч ҳолатда кўрган инсонлар бечора ҳақиқатдан ғазабланиб ундан юз ўгиришди. Ҳақиқат қаттиқ хижолат бўлганидан қудуққа қайтиб сувга

тушди ва ундан қайтиб чиқмади.

Ана ўша кундан бошлаб ёлғон ҳақиқатнинг кийимида оламини кезиб юрибди. Олам уни ҳақиқат деб ўйлапти. Инсонлар бир вақтнинг ўзида ҳақиқатни яланғоч кўришдан бош тортишмоқда!

Жуброн Халил Жуброн